

РИВОЯТЛАРНИНГ САНЪАТ АСАРЛАРИДАГИ ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИНГ БАРКАМОЛ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Илҳом Бахриев

Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педагогика институти
«Тасвирий санъат» кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ривоятларнинг санъат асарларидаги тутган ўрни, ривоятлар негизида яратилган картиналарнинг бир бирига ўхшамаслиги, ҳикоялар ва ҳикматли сўзлар инсоният бадий тафаккурининг шаклланишида асосий восита эканлиги, бадий асарларнинг инсоният тарихидаги қолдирган изи атрофлича шарҳланади. Шунингдек, мақолада халқ ривоятлари замонавий рассомларимиз учун битмас-туғалланмас мавзули эканлиги баён этилган.

Калит сўзлар: Бадий асар, ривоят, ғоя, тарбия, эстетика, ижод, рамз, маданият, тасвир, санъат.

THE ROLE OF LEGENDS IN THE WORKS OF ART AND ITS IMPORTANCE IN THE EDUCATION OF YOUNG PEOPLE

Ihom Bakhriyev

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
Teacher of the Department of Fine Arts

ABSTRACT

The article discusses the role of narratives in works of art, the differences between the paintings based on narratives, the fact that stories and words of wisdom are the main tools in the formation of human artistic thinking, the traces of works of art in human history. The article also states that folk legends are an inexhaustible theme for our contemporary artists.

Keywords: Artwork, legend, idea, upbringing, aesthetics, creation, symbol, culture, image, art.

КИРИШ

Бадий асар - инсоният тарихининг қандай кўринишидан сўзламасин, уни биринчи ўринда аждодларимиз ҳаёти ва уларнинг турмуш тарзи, атрофини ўрат турган муҳит ёритилиши лозим. Жумладан, санъат асарлари томошабинни қаҳрамонларга руҳан яқинлаштириш билан бирга уйлашга, чуқур мулоҳаза

қилишга, эстетик завқ олишга ундайди. Айни пайтда тарбиявий салмоғи жиҳатидан юксак аҳамиятга эга. Картина яратишда полотно ўлчами катта кичиклиги унчалик аҳамиятли эмас, кичик ҳажмли картинада ҳам бутун бир жамият муаммолари ва давр руҳи ёритилиши мумкин. Асосийси картинанинг кампозицион ғоясини ҳамда ишлаш маҳоратини юксак даражада кўрсатиб бера олишдадир. Шу боисдан ҳам ҳозирги бадиий жараёнда санъат асарларининг турли кўринишлари ҳаётимиздан эстетик, маънавий, тарбиявий жиҳатдан ўз ўрнини топаётгани кундай равшан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан сўнгги йилларда маданият ва санъат соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, санъат ва маданият муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратиш мақсадидаги тизимли ишларини ҳамда ўтган йиллар давомида мамлакатимизда маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш, миллий маданий ва маънавий меросни сақлаш, халқимизнинг миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналари билан таништириш шунингдек, маданият ва санъатни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жаҳон маданий саҳнасида мамлакатнинг ижобий имижини мустаҳкамлашга оид қарорлари санъатга бўлган юксак эътибор намунасидир.

Инсонларнинг ақл-заковати, тафаккури, табиатда содир бўлиб турадиган ўзгаришларга узлуксиз фалсафий ғоялари, ўзига хос образларни ҳис этиши, кайфият ва муҳитнинг боғлиқлиги, маънавий тушунчалар, афсонавий дунёқараш, кишиларнинг орзу-умидлари, олам ҳақидаги тасаввурлари, яширин сир-асрорлардан воқиф бўлиш ғояси, ғайритабийликка тус бериш, илоҳийлаштириш, кишилиқ тарихида янги-янги афсоналар, ривоятлар вужудга келишига сабабчи бўлган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Санъат – ўз моҳияти ва ижтимоий мазмунига кўра, ҳар қандай миллий маданиятнинг узвий қисми сифатида муайян давлат, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиёти даражасини белгиловчи энг муҳим ва устувор мезонлардан биридир. Ўтмишдаги инсонларнинг дунёқарашлари бадиий тафаккури, уларнинг орзулари, ўша давр ижодкорлари асарларида, афсонавий тасаввурлардаги ривоятларида, ибратли воқеалар кўринишида ўз аксини топган. Айтиш жоизки, санъат асарларининг аксарияти айнан турли тасаввурлар ва эътиқодлар таъсирида вужудга келган, ва инсоният ўзининг шонли тарихи давомида ана шундай улкан меросни яратиб қолдирган. Дастлабки яратилган санъат намуналари содда, оддий тасаввурлар ҳамда эътиқодлар мевасидир. Аждодларимиз тасаввурларида, эзгуликнинг ёвузликка қарши курашини акс

этирувчи афсонавий воқеалар тасвирланган ҳикоялар ва ҳикматли ривоятлар инсоният бадиий тафаккурининг шаклланишида восита бўлган. Жаҳон бадиий меросида турли ҳудудларда яратилган санъат намуналаридаги кўплаб анъанавий мавзуларнинг илдизлари бевосита асотир тасаввурлар қатламига бориб тақалади.

Санъат асарлари кишиларни гўзалликка ошно этиб, уларни хаётдан завқланишга чорлайди, эстетик завқ беради. Эстетиканинг ижодкорлар учун амалий аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки, санъатнинг бирор-бир турида ижод қилаётган санъаткор биринчи ўринда ўз соҳасининг билимдони бўлиши керак. Айтайлик, бастакор нотани билмасдан, мусикий асар яратиш қонун-қоидаларини, шу жумладан, мусиқага ҳам таълуқли бўлган эстетиканинг умумий қонуниятларидан беҳабар холда халқчил асар яратиши даргумон. Санъатнинг тарбиявий эстетик кучи унда ифода этилган кечинма ва образларнинг ҳар бир ўқувчи, томошабиннинг қалбига кириб бориши, уларда ҳайрат, ҳиссиётлар уйғотишидадир. Санъаткор воқеликнинг қайси кўринишини тасвирламасин, дастлаб шу кўринишларда кишини ҳаяжонлантирадиган, унинг ҳис- туйғусига таъсир этадиган томонини топишга интилади. Бадиий образда мавжуд бўлган, унинг шу ҳиссий томони муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у кишига эстетик таъсир этади. Уларда фикр, ҳис-туйғу, шодлик, ҳузурланиш, роҳатланиш, азобланиш, ғазабланиш каби ҳиссиёт ва кечинмаларни уйғотиб, унинг ижодий фантазияси ва тасаввурига таъсир қилади. Бу омил кишини ўйлашга, фикр юритишга, теварак-атрофни янада зийрак кузатишга ундайди, тегишли хулосалар чиқаришга олиб келади.

Чиндан ҳам санъат асарлари инсон руҳига таъсир этади, уни поклайди, эзгуликка чорлайди. Негаки, кишилар санъат асарларида тасвирланган воқеалардан таъсирланиб, ўзларида турли ҳиссиётларни сезади. Фикрловчи инсонга ҳамиша эртага умид билан қараш туйғуси таскин бериб туради. У умри ўтаётганлигини ҳис қилган кунданоқ, дунёни англай бошлайди. Шу боис, ҳар бир нарса ва воқеадан ҳикмат излаб ўтади.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Санъат асарларини жамиятда, айниқса ёшлар ҳаётида табиявий аҳамияти юксак даражада. Томошабин маданиятини, ёшлар табиясини юксалтириш ижтимоий-маънавий тараққиётнинг муҳим омили саналади. Тасвирий санъат соҳасида ҳаммани тушунадиган қилиб тарбиялаш қийин, бу ўринда санъатшуносларимиз ҳеч бўлмаганда, бошланғич тарбияни бериш усулларини ўйлашлари керак назаримда. Афсона ва ривоятларнинг тасвирий санъат тараққиётида тутган ўрни, ижтимоий-психологик таъсири, тартибга солувчилик, тасалли берувчилик каби жамиятдаги устувор вазифалари, дунё бадиий

маданиятида диний ривоятлар асосида яратилган рамзий тимсолларнинг тарихи ва таҳлилини билиши талабалар учун ғоятда аҳамиятлидир. Мамлакатимизнинг ёшлари қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканлигини ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Бинобарин, мустақил фикр юритадиган, тўғри ва ҳалол, жасур авлодни тарбиялаш давримизнинг долзарб муаммоларидандир.

Инсон камолоти масаласи барча даврларда бирдай аҳамият касб этиб келган. Шарқу ғарбда бу борада қатор асарлар яратилган. Бундай асарларда инсоният комилида асосий ўрин тутувчи етакчи омилларга ҳам алоҳида диққат қаратилган. Айнан ана шундай омиллар қаторида ижод тушунчаси етакчи аҳамият касб этади десак адашмаган бўламиз. Зеро, инсон ботинидаги эзгу фазилатлар ана шу тушунча атрофида бирлашади. Ижодкорлик деган ижобий сифат ҳам, ижод тушунчаси негизида вужудга келган. Ижодга бел боғлаган инсон ўз ҳаётида фаолиятида ижод ҳиссини теран англаса, қалбига жойласагина унинг кадр-қиммати теранлашади. Шу жиҳатдан ҳам ижодкорлик тушунчасини умумбашарийлик нуқтаи назаридан англаш, таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, ҳар бир ёш ижод кишиси асаридаги воқеа-ҳодисани ўз салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда тасвирлайди, мустақил фикр юритиш мобайнида тафаккури ошгани сари ўз қарашлари шаклланади. Бу жуда аҳамиятли. Маълум бир муваффақиятга эришиш эса янги куч, ўз иқтидорига ишонишнинг омили бўлиб хизмат қилади. Шахс манфаати жамият манфаати билан тобора уйғунлашиб боради. Бироқ баъзида унинг салбий таъсири ҳам кузатилади. Одам бошқа хил фикрларга эътибор бермай кўяди. Глебнинг фикрича, ижодийлик учун турли кўз қарашларига эга бўлиш, масалага ҳар томонлама ёндаша олиш зарур.

Ривоятларнинг санъат асарлардаги ўрни жуда беқиёс, ривоятда воқеа ва ҳодисалар баъзан ўйдирмалар воситасида, баъзан реал тасвирловчи оғзаки ҳикоялар муҳим ўрин тутаяди. Кўпинча ҳажми қисқа икки ёки уч эпизоддан ташкил топади. Одатда, оддий бир ҳикоячи баёнидан бошланиб, оғиздан-оғизга ўтиш жараёнида эркин талқин қилинади. Унда ижрочилар томонидан воқеълик ва тарихий шахс билан боғлиқ ҳодисалар бироз ўзгартирилиши ҳам мумкин. Шу боис бир ривоят негизида юзлаб бир-бирига ўхшамайдиган асарлар яратилиши табиий. Мазкур мерос аجدодларимизнинг коинот, табиат ҳодисалари ва олам ҳақиқатининг моҳияти, дунёнинг яратилиш синоатларини англаш, ўрганиш мақсадида яратилган хилма-хил оғзаки ҳикоялар, эртақлар ва дostonларни ўз ичига қамраб олади. Ҳар бир рассом ўз асари устида ишлаш мобайнида ҳеч вақтини фақат ўзига ўхшатишга интилиш билан чегараламасдан ишлаётган асари

дейлик бирор ривоят орқали бўлса аввало ўзининг фикр ва туйғуларини томошабинга етказишга ҳаракат қилади. Ишламоқчи бўлган асарда авваломбор ғоясига мос мавзу ва сюжет танлайди, ҳамда воқеа композициясини куради, шу йўлда изланади айрим ҳолларда асарга қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда ҳодисаларнинг айрим жиҳатларини ўзгартириб, бўрттириб кўрсатиши ҳам мумкин.

Бизнинг қадимги маданиятимиз, миллий қадриятларимиз бутун дунёга сочилиб кетган олтин зарраларига ўхшайди, улар орасидан ривоятларга назар ташлайдиган бўлсак, ривоятларда қаҳрамонлик мадҳ этилган асарлар кишиларни мардликка ўргатади. Агар асарларда иллатлар, тубанликлар тасвирланса, одамларда бундай иллатлардан нафратланиш туйғуси кучаяди. Фожиага учраган, изтироб чеккан қаҳрамонлар кишиларда ҳамдардлик ҳиссини уйғотади. Достон ривоят ҳамда эртақларга композиция ишлаш учун аввало, мавзуга оид материал тўплаш жараёнида ижодкор тасаввуридаги асарга мос қаҳрамонларининг образлари қидирилади, асарларда халқимизнинг миллий кийёфаси, урф-одатлари, анъана ва маросимларини тулақонли ўзига хос йўсинда акс эттирилади.

Картинага оид нарса ва буюмларнинг ўзига қараб этюд қилиб олинади. Бирор бир адабий асарга, ривоятга ёки бирор воқеага бағишланган картина ёки иллюстрация ишлаш асарлардаги воқеа содир бўлаётган мамлакат ёки даврнинг маданияти, халқлар турмушининг ўзига хос хусусиятлари, кийим-кечаклари, меъморчилиги ва уларнинг характерли томонлари очиб бера олиш, унга оид рамзлар, тимсоллар орқали картинани мазмунига чуқурроқ кириб борлади.

Асосан сюжетли картина яратишда адабиётни ўрни бекиёс, ундаги воқеалар, уша давр кишиларини ҳаёти, воқеликни очиб бера олиш маҳорати ижодкордан асар билан боғлиқ барча матиреалларни ўрганишни ва чуқур ҳис этишни талаб этади. Зеро томошабин турли соҳа вакилларидан иборатки, буни асло эсдан чиқариш керак эмас.

Рассом асар ишлаганда рамзларни ҳам кўздан қочирмайди, рамз ишора қилмоқ — воқеликни бадиий акс эттиришнинг шартли усули; мазмунни образли қурилиши билан боғлиқ бўлади ва кўп маънолилиги билан ажралиб туради. Рамз барча халқлар фолклори ва адабиётида қадимдан мавжуд. Рамзий образлар муайян тизимни ташкил этади ва айрим ҳолларда кўпчилик халқлар адабиёти ва санъатида муштарак мазмунни ифодалайди. Адабиёт тарихи дарслари давомида ишлатилиб келинаётган рамзий образлар тизими ҳам мавжуд; гул — гўзаллик, маъшуқа; булбул — ошиқ; сариқранг — маҳзунлик, қораранг — мотам рамзи ва хокозо, ижодкорлар анъанавий рамзлар билан бир қаторда табиатдаги ҳар бир ҳодиса ва детал (Масалан, булут, булок, чакмоқ ва бошқалар)дан рамзий тасвир учун фойдаланадилар. Бунда у ёки бу нарса тасвир жараёнида ижодкор мақсадига

хизмат қилувчи муайян рамзий маънога эга бўлади. Санъат асарларининг бадиий тахлили орқали талабаларни фикрлашга ўргатиш уларни, таҳлил, синтез, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш хулосалашларнинг маъноларини англаб олишларига керак бўлади. Баъзилар «Даҳо санъаткорлар қонун-қоидаларсиз ҳам ижод қилаверадилар» - деган нотўғри тасаввурга эгалар. Ваҳоланки, даҳоларнинг ўзлари кўп ҳолларда нафосат назарияси билан шуғулланганлар. Бу борада Абдурухмон Жомий, Лутфий, Алишер Навоий, Леонардо да Винчи, Фридрих Шиллер, Гёте каби буюк ижодкорларнинг номларини эслашнинг ўзи кифоя қилади.

Тасвирий санъатда асар яратишда албатта адабиёт тарих фалсафасиз тасаввур эга олмаймиз ўз навбатида шуни айтиш керакки жаҳон адабиётшунослиги ва санъатшунослигида шеърят ва рангтасвирнинг ўзаро алоқаларини илмий назарий жиҳатдан ўрганиш уч асрлик тарихга эга. Европада XVIII асрдан бошлаб Лессинг, Дидро, Ф.Шлегель, Р.Вагнер, Ф.Шиллер, Навоий каби мутафаккирлар бадиий синтез масаласига жиддий эътибор қаратганлар. Хорижда, хусусан, рус адабиётшунослиги ва санъатшунослигида мазкур муаммо А.Я. Зисъ, Ю. Борев, Н.Дмитриева, К.Пигарев, Е.Мурина, Ю.Лотман, Д.Лихачев ва бошқа кўплаб мутахассислар томонидан атрофлича чуқур ўрганилган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуларни айтиш мумкинки, бадиий ижодда табиат ва инсон муносабатлари алоҳида диққатга сазовор мавзулардан эканлиги, шунингдек бадиий образ яратиш учун, ғоят бой тажриба, ўзига хос услуб, бадиий таҳлил қила олиш қобилияти, маъноларни англаб олиш маҳорати, айнан шундай сифатлар билан қуролланиш, ижод кишиси учун жуда зарур. Ўтмишдаги ривоятлар замонавий рассомларимиз учун қизиқ мавзу, ҳамда битмас туганмас тарбия манбаидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. К Акилова. И. Абдурахмонов. Тасвирий санъатда афсона ва ривоятлар ўқув кўлланма –Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи –*Ташкент 2016*.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари рўйхати–2018 йил–© ооо «norma», 2007-2020 г.
3. О. Абдуллаева. Санъат йўналишидаги олий таълим муаммоларининг ечими қандай бўлади? – www.adolat.uz– 2020.
2. Н. Абдуллаев Ўзбекистон санъати тарихи – Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти –Тошкент – 2007

3. Мустақиллик даври ўзбекистон рангтасвирининг асосий тенденциялари– Тошкент– 2019
4. Бахранов. Л. Уммон юзидаги мавжлар – saviya.uz
5. Султонов Х,Э. Тасвирий санъат фанини ўқитиш методикаси. ўқув кўлланма. - Т.: ТДПУ, 2008.
6. Султанов, Х. Э., Анкабаев, Р. Т., Хасанова, Н. С., & Чориева, Н. Ш. (2017). Инновационные методы обучения на занятиях по изобразительному искусству. In *Актуальные вопросы современной педагогики* (pp. 103-105).
7. Ne'mat, A. M., & Ankabaev, R. T. (2018). Methodological Principles of Training Fine Arts. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
8. Ирбутаева, М. Т., Махмудов, М. Ж., & Махмудов, М. Э. (2020). ЖИВОПИСЬ И ГАРМОНИЯ МУЗЫКИ. *Ученый XXI века*, 6-1(65), 31-34.
9. Tursunmurotovich, S. S. (2020). Importance of illustrations for perception of content of the book. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(4), 98-101.
10. Shuhratovich, I. U. (2020). Application of innovation in teaching process. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(5), 4-8.
11. Saidazimovich, B. I., Turgunovich, A. R., Jabbarovich, M. M., & Tairovna, I. M. (2020). THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF THE LANDSCAPE GENRE IN THE FINE ARTS. *EPRA International Journal of Research and Development*, 5(3), 423-424.
12. Eralievich, S. K., Mukhamatsultonovna, M. I., Saidazimovich, B. I., & Turgunovich, A. R. (2020). The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05), 6586-6591.
13. Shuhratovich, I. U. (2020). Technologies of working on graphic materials in fine arts classes (on the example of working still life in the pen. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(4), 41-45.
14. Байметов, Б. Б., Собиров, С. Т., & Исмаатов, У. Ш. (2019). ПРОБЛЕМЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ УЧИТЕЛЕЙ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА. *Вестник науки*, 1(7), 63-66.
15. Tursunmurotovich, S. S., Eraliyevich, S. X., & Shuhratovich, I. U. (2020). Illustration and the Influence of Illustrator on Children's Understanding of Fairy Tales and Works of Art in Books. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05), 3526-3533.
16. Eralievich, S. K., Tursunmurotovich, S. S., & Mukhamatsultonovna, M. I. (2020). THEORETICAL BASIS OF CLUSTER APPROACH IN FINE ARTS EDUCATION. *Journal of Critical Reviews*, 7(9), 108-111.

17. Tursunmurotovich, S. S. (2020). Bolalar ijodiy qobiliyatini rivojlantirishda grafik rassomlar hayoti va ijodiy faoliyatini organishning muhimligi. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, (2), 460-464.
18. Tursunmurotovich, S. S. (2020). Some Factors That Impede The Development Of Students' Creative Abilities In Fine Art Classes. *Asian Journal of Research*, 1(3), 214-218.
19. Saidazimovich, B. I. (2020). 50 Years Of The Xx Century The Development Of The Uzbek Landscape Genre. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(6), 62-64.
20. Султанов, Х. Э., Худайбердиев, П. У., & Собиров, С. Т. (2017). Непрерывное образование в Узбекистане как требование времени. *Молодой ученый*, (4), 385-389.
21. Ориф Толиб “Ёшлик” журналининг 2018 йил 2-сонида чоп этилган
22. Филология ва маданият масалалари (Академик Азиз Қаюмов хотирасига бағишланади) илмий-услубий мақолалар тўплами -Карабук – 2019
23. С. Ф. Абдирасилов тасвирий санъат ўқитиш методикаси—Тошкент-2012
24. Б. Бойметов –Ҳайкалтарошлик ва пластик анатомия—Низомий Номидаги ТДПУ босмахонасида чоп этилган –Тошкент «Iqtisod -Moliya» 2007
25. О. Muinov Rangtasvir<<Arnaprint>>MCHJ bosmaxonasida bosilgan 100182,Toshkent,H.Boyqaro ko'chasi, 41.

REFERENCES

1. К Акилова. И. Абдурахмонов. Тасвирий санъатда афсона ва ривоятлар ўқув қўлланма –Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи –*Ташкент 2016*.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари рўйхати–2018 йил–© ооо «norma», 2007-2020 г.
3. О. Абдуллаева. Санъат йўналишидаги олий таълим муаммоларининг ечими қандай бўлади? – www.adolat.uz– 2020.
2. Н. Абдуллаев Ўзбекистон санъати тарихи – Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти –Тошкент – 2007
3. Мустақиллик даври ўзбекистон рангтасвирининг асосий тенденциялари–Тошкент– 2019
4. Бахранов. Л. Уммон юзидаги мавжлар – saviya.uz
5. Султонов Х,Э. Тасвирий санъат фанини ўқитиш методикаси. ўқув қўлланма. - Т.: ТДПУ, 2008.
6. Султанов, Х. Э., Анкабаев, Р. Т., Хасанова, Н. С., & Чориева, Н. Ш. (2017). Инновационные методы обучения на занятиях по изобразительному искусству. In *Актуальные вопросы современной педагогики* (pp. 103-105).

7. Ne'mat, A. M., & Ankabaev, R. T. (2018). Methodological Principles of Training Fine Arts. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
8. Ирбутаева, М. Т., Махмудов, М. Ж., & Махмудов, М. Э. (2020). ЖИВОПИСЬ И ГАРМОНИЯ МУЗЫКИ. *Ученый XXI века*, 6-1(65), 31-34.
9. Tursunmurotovich, S. S. (2020). Importance of illustrations for perception of content of the book. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(4), 98-101.
10. Shuhratovich, I. U. (2020). Application of innovation in teaching process. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(5), 4-8.
11. Saidazimovich, B. I., Turgunovich, A. R., Jabbarovich, M. M., & Tairovna, I. M. (2020). THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF THE LANDSCAPE GENRE IN THE FINE ARTS. *EPRA International Journal of Research and Development*, 5(3), 423-424.
12. Eralievich, S. K., Mukhamatsultonovna, M. I., Saidazimovich, B. I., & Turgunovich, A. R. (2020). The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05), 6586-6591.
13. Shuhratovich, I. U. (2020). Technologies of working on graphic materials in fine arts classes (on the example of working still life in the pen. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(4), 41-45.
14. Байметов, Б. Б., Собиров, С. Т., & Исмаатов, У. Ш. (2019). ПРОБЛЕМЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ УЧИТЕЛЕЙ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА. *Вестник науки*, 1(7), 63-66.
15. Tursunmurotovich, S. S., Eraliyevich, S. X., & Shuhratovich, I. U. (2020). Illustration and the Influence of Illustrator on Children's Understanding of Fairy Tales and Works of Art in Books. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05), 3526-3533.
16. Eralievich, S. K., Tursunmurotovich, S. S., & Mukhamatsultonovna, M. I. (2020). THEORETICAL BASIS OF CLUSTER APPROACH IN FINE ARTS EDUCATION. *Journal of Critical Reviews*, 7(9), 108-111.
17. Tursunmurotovich, S. S. (2020). Bolalar ijodiy qobiliyatini rivojlantirishda grafik rassomlar hayoti va ijodiy faoliyatini organishning muhimligi. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, (2), 460-464.
18. Tursunmurotovich, S. S. (2020). Some Factors That Impede The Development Of Students' Creative Abilities In Fine Art Classes. *Asian Journal of Research*, 1(3), 214-218.
19. Saidazimovich, B. I. (2020). 50 Years Of The Xx Century The Development Of The Uzbek Landscape Genre. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(6), 62-64.

20. Султанов, Х. Э., Худайбердиев, П. У., & Собиров, С. Т. (2017). Непрерывное образование в Узбекистане как требование времени. *Молодой ученый*, (4), 385-389.
21. Ориф Толиб “Ёшлик” журналининг 2018 йил 2-сонида чоп этилган
22. Филология ва маданият масалалари (Академик Азиз Қаямов хотирасига бағишланади) илмий-услубий мақолалар тўплами -Карабук – 2019
23. С. Ф. Абдирасилов тасвирий санъат ўқитиш зметодикаси–Тошкент-2012
24. Б. Бойметов –Ҳайкалтарошлик ва пластик анатомия–Низомий Номидаги ТДПУ босмахонасида чоп этилган –Тошкент «Iqtisod -Moliya» 2007
25. О. Муinov Rangtasvir<<Arnaprint>>МСНУ босмахонасида босилган 100182,Тoshkent,Н.Вoуqaro ko’chasi, 41.